



# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 13-avgust. Shanba

● 95 (31.371)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудий дастурларга мувофиқ 520,2 минг янги иш ўрни, шундан 67,8 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.**

**Ўртача иш ҳақи ва пенсияларнинг барқарор ўсиши сақлаб қолинди ҳамда ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан тегиши равишда 28,1 ва 24,5 фоизга ошиди.**



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида АҲБОРОТ**

■ 2011 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи япли мажлислини шу йил 26-27 августида Тошкент шаҳрида чакириш ҳакида қарор қабул килди.

Сенат япли мажлисининг кун тартибига сиёсий ва иктихомий-иктисолий ҳәйтнинг ҳамма соҳаларини изчилисюз қилиш ҳамда либераллаштиришга, мамлакатимизни демократик янгилаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бундай қонунлар жумласига тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлаш ва ривожлантиришни ҳамда ахоли саломатлиги муҳофаза қилинишига таъминлашга қаратил-

(Давоми 2-бетда.)

### ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



### Этироф

Мамлакатинизга бундан ўн йил аввал келган эдим. Юртингизда турли соҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, қурилиш, ахборот технологиялари ва қишлоқ хўжалигига рўй берган ўзгаришлар, амалга оширилган кенг кўлами ислоҳотлар берадиган юқсан самараларни кўриб, ҳавасим келганини яширмайман.

Тошкентнинг сайр қилас эканман, пойтактингиз кундан-кун чирой очиб бораётанини кўрдим. Айниқса, Мустақилик майдони ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ямъият майдони ве мўъжизакор бинолар кишида ҳавас уйидаги. Мустақилик ва эзгулик монументи, Баҳтиёр она ҳайкални мамлакатиниздаги тинчлик, барқарорлик ва баҳтиёрилик, буюк кела-жакка қатъий ишонч тимсолидир».

Аҳмад ТАШФИҚ, (Сингапур).

## Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари

электорат манфаатини ҳимоя қилишда амалий натижада учун ишлаши зарур

■ ЎзХДП Наманган, Бухоро, Хоразм ва Фарона вилоят кенгашларида партия фаолларининг кенгайтирилган ўйгилишлари бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис палаталарининг Кўшма Қарорида белгиланган вазифалар, хусусан, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва модернизация қилиш, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастури ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари иштирокини қучайтириш масаласи муҳокама этилди.

Ийилишларда, шунингдек, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган партия Ҳаракат дастурда жорий йил учун белгиланган вазифалари ўз вақтида бажариш масаласи ҳам атофлича кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда.)

### ҚАШҚАДАРЁ:

## Меҳнат ва меҳрдан яшнаётган диёр

■ Чўққиси оппоқ қорга бурканган тоглардан сув олган Оқсус дала-лар, боғларга ҳаёт бағишилаб, Шахрисабза етиб келади. Яна бир дарё — Танхоз ҳаракатини секинлаштиради. Китоб туманидан Қорабулоқ ва тог сувларини ола Кешкруд опға интилади. Қадим Қеш бағрида кўшилган дарёлар улкан наҳр — Қашқадарёни ҳосил қилади. Дарё — вақт, вақт эса — тақдир. Шу маънода, Қашқадарё — тақдир дарёси. Яшил шаҳар, Зумрад шаҳар номини олган Шахрисабз кечмиши ва бугуни дарё тақдиди билан тулаш ва ўйғун.

### ИФТИХОР

Якинда амаким — 92 ёшга етган Мажид Хидиров «Бир айлантириб келгин», деди. Оқсоқол Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ҳаётнинг оғир-енгилини кўрган. У киши Шахрисабздан ўзгашибарларни кўрар экан, ҳайрат ва қувончини яширмасди.

Дарҳаққат, тараққиёт одимлари салмоқли. Шаҳар — вилоятнинг саноат марказларидан бири. Консерва, пиллачиллик, пахта тозалаш кор-

хоналари каторига кўшилган «Оқсан Текстиль» МЧК биргина ўтган йили 25 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарди. Яна юзлаб кичик корхона ва хунармандлар иқтисадга барака киритишмокда. Ободончилик, қурилишларни айтмайсизмий? Бошқасини кўйиллик, қишлоқлар тароватини олинг.

(Давоми 3-бетда.)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

### КОНЦЕПЦИЯ:

Тараққиётнинг янги босқичи

→ 2

## Уйғоқ қалблар мўъжизаси

Дунёда бола кўнглидан покиза, бегубор ҳеч нарса йўқ. Мурғак қалблар чизаётган бу расмларни ҳали ҳар жиҳатдан мукаммал деб бўлмаса-да, уларда болаликнинг ўзгача завқ улашадиган энг гўзал, мусафро туйғулари уфуриб турибди.

→ 4

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНИГИЗ!

Обуна индекси — 220



Юқоричирик тумани «Даубой» маҳалласида байрамолди тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ободлиги йўлидаги улкан бунёдкорлик, ўсбек келаётган ён авлодга яратилган шарт-шароитлар ва Ватанга муҳабbat ҳақида фикр юритилди.

Тадбирда иштирок этган маҳалла оқсоқоллари тинч ва осуда ҳаёт учун шукронга айтилди.

Латифжон МАНСУРОВ





# ҮЙФОҚ ҚАЛБЛАР МҮЖИЗАСИ

Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ногирон болалар ўртасида тасвирий санъат бўйича «Мафтункор ранглар жилоси» кўриктанлови ўтказилди.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчиҳонаси масъул ходими Кристофер Фронцек ва таржимон қизининг эътибори ўзгача иштиёқ билан расм чи-заётган 7 ёшлар Рустамга тушиди. Мехном таржимон оркали ундан нимани тасвираётганини сурдади.

— Тошкент телеминорасини, — деди Рустам байрон. Арк гумбазига мовий ранг билан жило бераётган Ҳусан: — Мен эса Бухорни чизаяпман, — деди болаларча фурор билан.

Мартабали меҳмон жисмоний имкониятлари чекланган, ҳали мактаб остиносига қадам кўймаган, ўз Ватанидан ифтихор эттаётган бу болажонларга ҳайрат ва ҳавас билан қараб туради.

— Танловдан 70 нафардан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этмоқда, — деди **Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими раиси Ҳасан Бурхонов**.

— Хайъат биринчи ўринин эгаллагандим, — деди **Ҳамза туманидаги 80-мактаб ўкувчи Зухра Абдусаломова**. — Ўшандаги хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ғизган суратим юқори баҳога лойик кўриланди. Бу сафарги беллашууда эса Ватанимиз мустакиллигининг 20 йиллигига бағислаб Мустақиллик майдони аркасидаги озодлик,



Муродбек Зиб оғлан суратлар.

**Дунёда бола  
кўнглидан покиза,  
бегубор ҳеч нарса  
йўқ. Мурғак қалблар  
чизаётган бу  
расмларни ҳали  
ҳар жиҳатдан муккимал  
деб бўлумаса-да,  
уларда боялини  
закв ullaşadиган  
энг гўзал, мусаффо  
туйғулари уфуриб  
туриди.**

— 2009 йили ўтказилган танловда биринчи ўринин эгаллагандим, — деди **Ҳамза туманидаги 80-мактаб ўкувчи Зухра Абдусаломова**. — Ўшандаги хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ғизган суратим юқори баҳога лойик кўриланди. Бу сафарги беллашууда эса Ватанимиз мустакиллигининг 20 йиллигига бағислаб Мустақиллик майдони аркасидаги озодлик,

тинчлик рамзи бўлган кушлар расмими чизаяпман. Унинг тесасига «Букоқ ва мұқаддассан, мустақил Ватан!» деб ёзиб кўйимоқман.

— Менга пойтахтимиздаги сўлим хиёбонлар жуда ёқади, — деди **Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўкувчи Диляноза Йўлдошева**. — Шунинг учун бугунги танловда япон боғидаги бетакор манзаралар, айниска, кўрган кўзни қувнатадиган оплок турнарни тасвирамоқчиман.

— Ўзбекистон ҳукуматининг мактабатдаги болажонларга кўрсатадиган бекиёс замхўрлиги ҳар қанча тахсинга сазовор, — деди **америлик мартабали меҳмон Юрген Спендал**. — Очиғи, ҳали ҳеч бир давлатда бундай юқсан эътиборни кўрмаганин. Бу танлов, хусусан, болажонлар ва уларнинг ота-оналари, устозларни ўз-қўзиадаги ҳаяжон, кувонч менда чуқур таассусот котирди. Ҳатто голиб ким бўлишини итизорлик билан кутаяпман. Аслида, ким мусвафакати козончининг аҳамияти йўқ. Энг асосиси, бу каби тадбирлар

жисмоний имконияти чекланган болаларнинг ҳаётга бўлган мухаббатини янада оширади, уларнинг ўз қобилият ва иктидорларини юзага чиқаришга

ёрдам беради. Ҳозир шунга амин бўлдимки, келажакда бу болалардан буюк мўйжалам усталири етишиб чиқади.

Танловда пойтахтимиздаги

93-мактабнинг 7-синф ўкувчи-си Нуридин Носиров голиб деб топилди ва мусобаканинг республика босқичига йўлланма олди.



**Ҳаёт ҳайратларга тўла. Қимдир тўрт мучаси соғ, жисмоний имконияти чекланмаган бўлса ҳам, кўнгли берк, руҳи синиқлигича қолади. Қимдир эса тақдир ҳукми билан ногирон бўйlib туғилади. Аммо уларнинг ўйғоқ қалблари, тетик руҳлари мўжиза яратади.**

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Софлом авлод — софлом келажак



## Гулистонда ёш спортчилар тайёрлаш маркази

Иккى йил илгари Сирдарё вилояти ҳокимлиги қарорига кўра ҳалқ таълими бўшқармаси тасарруфида ана шундай марказ ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу ерда 16 нафар мураббий кўл остида футбол, сузиш, миллый кураш, таэквондо, ёнгил атлетика, житкундо, айкido, бокс ва армрестлинг тўғракларида жами 937 нафар ўсмир-ёшлар шуғулланишмоқда.

Шунингдек, марказда ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда спорт турлари бўйича тез-тез мусобака-рўтизидар турдилади. Жумладан, таъқоддан бўйича ўтказилган мусобака-рўтизида 124 нафар спорти ёшлар қатнашиди. Улардан 46 нафари қизлар экани қуваролари холди. Шунингдек, Марказ вилоят ёш спортчиларининг республика миқёсида ўтказиладиган мусобакаларда иштирек этишига яқиндан ёрдам бермоқда. Бунинг натижасида сирдәрёй ёш спортчилар футбол, армрестлинг, таэквондо, житкундо бўйича ўтказилган мамлакат миқёсидаги мусобакаларда совинордан бўлишмоқда.

Ойбек КОДИРОВ

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinosari)  
G'affor HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinosari)

Muslihiddin MUHIDINOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquq targ'ibot — 233-12-56;  
Reklama va e'lornar — 233-38-55, 233-47-80;  
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yunvarda ro'yxatiga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Коғона монзили: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabo.

## Спорт

### Боксчимиз Осиё чемпиони!

Жанубий Кореянинг ичхон шаҳрида бокс бўйича Осиё чемпионатининг финал жанглари ўтказилди.

75 кг вазн тоифасида қатнашган ҳамортизим Шаҳзод Абуллаев ярим финалда Хитой Тайпейи вакилига қарши муросасиз жанг олиб борди. Шу боис ушбу жангда 16 хисоби қайд этилишига қарамай фаол ҳаракат килгани учун ҳамалар галиблини ҳамортизига беришиди. У финалда мўғалистонлик боксчими маглубиятга учратиб, Осиё чемпиони бўлди. Ярим финал жангларида қатнашган бошқа вакилиларимиз — Алишер Махмудов, Нодирбек Косимов ва Қобилжон Бобоҷонов Осиё чемпионатининг бронза медаллари билан каноатланишиди.

## Универсиада бошланди

Кече Хитойнинг Шенъчжэн шаҳрида XXVI ёзги Бутунжоҳон универсијадасининг тантанали очилиши маросими бўлди.

Ушбу универсиадада 22 нафар спортчимиз даюдо, оғир атлетика, бадий гимнастикаси ва енгил атлетика бўйича юртимиз шарапини ҳимоя килади.

Талаба-спортчилар катнашадиган бу мусобакаларга 1959 йилда асос солинган. Ҳозир кунда Бутунжоҳон универсијадаси Олимпия ўйинларидан кейин иккичи ўринда турувчи нуфуз мусобака саналади. Жумладан, бу йилги мусобакаларда 150 дан ортиқ давлатдан келган 10000 нафардан эйд қатнашчи спортининг 26 туридан 306 та медаллар жамланаси учун кураш олиб боради. Биз шундай кучли рагбатда ҳам вакилларимиз универсијада муносиб иштирек этишига ишонамиз.

Универсијада 23 август куни ниҳоясига етади.

## Чорак финалда...

Бугун ва эртага тунда Колумбияда фут bolt бўйича ёшпар ўртасида ўтётган жаҳон чемпионатининг чорак финал ўйинлари бўлади.

Нимочора финал ўйинларида куйидаги натижалар қайд этилди: Португалия — Гватемала — 1:0, Аргентина — Мирз — 2:1, Камерун — Мексика — 1:1 (пенальтилар бўйича — 0:3), Колумбия — Коста Рика — 3:2, Нигерия — Англия — 1:0, Испания — Жанубий Корея — 0:0 (н.б. — 7:6), Бразилия — Саудия Арабистони — 3:0, Франция — Эквадор — 1:0. Чорак финал. Португалия — Аргентина, Мексика — Колумбия, Бразилия — Испания, Франция — Нигерия.

Асрор МУММИН

ОБ-ХАВО 13-14.08. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	36°C	38°C
Самарқанд	36°C	41°C
Нукус	36°C	41°C
Карши	36°C	41°C
Ургач	36°C	41°C
Навоий	36°C	41°C
Фарғона	32°C	37°C
Бухоро	36°C	41°C
Андижон	32°C	37°C
Наманган	32°C	37°C
Термиз	36°C	41°C
Жиззах	36°C	41°C
Гулистан	36°C	41°C
Тошкент вил.	36°C	41°C
Лондон	21°C	21°C
Париж	24°C	24°C
Москва	23°C	27°C
Мадрид	38°C	38°C
Пекин	34°C	30°C
Гонконг	33°C	33°C
Рим	28°C	29°C
Анкара	28°C	29°C
Токио	33°C	34°C
Стокгольм	20°C	20°C
Кейтітаун	14°C	13°C
Кохира	34°C	32°C
Гавана	33°C	33°C
Вашингтон	31°C	31°C

Navbatchi:  
Abdusalam MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5